

САЪДИЙ ШЕРОЗИЙ "ГУЛИСТОН"ИДА ҲИКОЯТЛАР ТАРЖИМАСИДА
МУРОЖАТ БИРЛИКЛАРИНИНГ БЕРИЛИШИ.

Рихсибоева Нодира

ТДШУ 2-курс магистранти

Мурожаат бирликлари кундалик ҳаётимизда нутқ фаолияти, нутқ жараёнида кенг қўлланиладиган, ўзаро алоқа-аралашувга хизмат қиладиган, сўзловчининг тингловчига бўлган муносабатини ифодаладиган, ўзида турлича коннотатив маъноларни, семантик "оҳангларни" ташийдиган ўткир таъсирчан воситадир¹³. Саъдий Шерозий "Гулистон"ида ҳам мурожаат бирликларини таржимонлар қай йўсинда таржима қилганликлари ва бу таржималар ўз даври учун қанчалик мос келганлигини қуйида келадиган ҳикоятлар таржимасида кўришимиз мумкин.

حكايت

يکى [را] از وزرا پسرى كودن بود؛ پيش يکى از دانشمندان فرستاد که مراين را تربيتى مى کن مگر عاقل شود. روزگارى تعليم کرد[ش] و مؤثر نبود. پيش پدرش کس فرستاد که اين عاقل نمى شود و مرا ديوانه کرد¹⁴

Сайфи Саройи таржимаси:

Бир вазирнинг бир биликсиз ўғли бор эди. Ани элтиб бир олим қотинда қўйдиларким, мунга тарбият қилғил. Ул тарбият баракати билан оқил бўлғай—деб, бир муддат таълим берди. Қобили тарбият дегул эди. Тарбият таъсир қилмади. Айтти: "Муни отасина элтиб айтингким, бу оқил бўлмас ва лекин мени девона қилади"¹⁵.

Огаҳий таржимаси:

Замон вазирларидан бирининг бир ақлсиз гўдак ўғли бор эрди. Ани дониш ахлидин бирининг хизматиға йибордиким, бу ўғулға тарбият қилсун, шоядким, анинг тарбияти баракатидин оқил ва доно бўлғай.

Ул донишманд кўб муддатлар жидду жаҳд билан таълим берди асло анга таъсир қилмади. Охируламр, отасининг олдиға киши йибориб дедиким: "Сенинг бу ўғлинг ҳаргиз оқил ва ҳушманд бўлмағусидур ва мени беҳуш ва девона қилди"¹⁶.

Мулло Муродхўжа таржимаси:

Вазирлардан бирининг аҳмоқ ўғли бор эрди. Олимлардан бирининг ҳузуриға юбордики, бу болаға тарбият айлагил, шоядки ақлик бўлса. Олим бир неча замон анга

¹³ Акбарова З. Ўзбек тилида мурожаат шакллари ва унинг лисоний тадқиқи. Филол.фан.ном....дисс. – Т., 2007й
¹⁴ سعدى شيرازى. گلستان سعدى. تهران: انتشارات ميردشتى، ۱۳۹۴. ص 94

¹⁵ Сайфи Саройи. Гулистон бит-туркий // Уч булбул гулшани. – Тошкент:1988й

¹⁶ Муҳаммадризо Эрنيёзбек ўғли Огаҳий. Асарлар 9-жилд, Огаҳий таржимасидаги "Гулистон" ва "Ҳафт пайкар". – Тошкент: 2019й

⁵Саъдий Шерозий "Гулистон" Мулло Муродхўжа таржимаси Тошкент: Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академияси ФАН нашриёти. 2005 й

⁶ Саъдий "Гулистон". Форсчадан шеърларини ҒОҒУР ҒУЛОМ билан ШОИСЛОМ ШОМУҲАММЕДОВ, наср қисмини РУСТАМ КОМИЛОВ таржима қилган. Тошкент: 1968й



таълим айлади. Таъсир этмади. Боланинг атоси ёнига киши юбориб: "Бу бола ақлик бўлмас, вахоланки мени девона айлади", -деб айттирди¹⁷.

Замонавий таржимасида:

Бир вазирнинг такасалтанг ўғли бор эди. Вазир ўғлини бир донишманд хузурига элтиб: "Шуни тарбият қил, шояд ақли кириб, одам бўлса", деди. Донишманд вазирзодани узоқ муддат тарбия қилди, фойдаси бўлмади. Боланинг отасига бир одам орқали: "Ўғлинг одам бўлмайди, мени ҳам ақлдан оздирди", деб хабар қилди¹⁸.

Юқоридаги ҳикоят таржималари ҳар бири маҳорат билан таржима қилинган. Таржималарни ўзаро қиёслар эканмиз ҳар қайси таржимон таржималарида муурожаат бирликларини ҳар хил таржима қилганлигин кўришимиз мумкин. Масалан, аслиятдаги "песаре кудан" (аҳмоқ ўғил) сўзини Сайфи Саройи ижодий ёндошиб "биликсиз ўғил" деб таржима қилган. Огаҳий таржимасида эса бу сўз "ақилсиз" деб аҳмоқнинг эквиваленти танланган. Мулло Муродхўжа эса таржимани тўғридан тўғри аслиятдагидек бериб қўя қолган. Замонавий таржимада бўлса "такасалтанг" деб берилган бу таржима тушунарли бўлгани билан аҳмоқ сўзини эквиваленти бўла олмайди, чунки такасалтанг сўзининг асл маъноси ҳеч нарсанинг ғам ташвишини қилмайдиган, ишёқмас, бекорчи, танбал деган маъноларни билдиради. Таржимон такасалтанг сўзининг ўрнига "овсар ёки лақма" сўзларини ишлатиши мақсадга мувофиқ менмча. Аслиятдаги донишманд сўзи ҳам таржимонлар томонидан турли талқинларда ифодаланган. Сайфи Саройи донишманд сўзини "олим қотин" деб таржима қилган бўлса, Огаҳий "дониш аҳлидин бири" деб чўзиб таржима қилган ва маънони кучайтириб берган, Мулло Муродхўжа таржимасида эса оддийгина "олимлардан бири" деб содда ва тушунарли эквивалент олинган, замонавий таржимада эса аслиятдаги каби "донишманд" сўзининг ўзи сақланиб қолган. Шу ўринда "илм аҳлидан бирининг" деб таржима қилиш ҳам маънони кенгроқ очиб берарди. Юқоридаги ҳикоятни маъно жиҳатидан таҳлил қилишда ушбу Алишер Навоийнинг ҳикматини келтириш мумкин:

Кучук бирла ҳўтикни қанча қилма тарбия,
Ит бўлур, эшшак бўлур, асло бўлмас одамий.

Таржималарнинг барчаси маҳорат билан ўзбек тилига ўгирилган ва аслиятга ҳам мувофиқ, таржималарда баъзи жойларда форсий ва туркий сўзларнинг сақланиб қолганлигини ҳам кўришимиз мумкин. Бу албатта асарнинг таржима қилинган даврига ҳам боғлиқ.

Фойдаланилган адабиётлар:

Ф о з и л о в а Ш. Қаҳрамонлар нутқини таржимада беришнинг баъзи хусусиятлари, 50-бет.

1. Саъдий Шерозий "Гулистон" Мулло Муродхўжа таржимаси Тошкент: Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академияси ФАН нашриёти. 2005 й
2. С а й ф и С а р о й и. Гулистон бит-туркий // Уч булбул гулшани. – Тошкент: 1988й 217-бет.
3. Муҳаммадризо Эрнийезбек ўғли Огаҳий. Асарлар 9-жилд, Огаҳий таржимасидаги "Гулистон" ва "Ҳафт пайкар". – Тошкент: 2019й. 54-бет.
4. Саъдий "Гулистон". Форсчадан шеърларини ҒОҒУР ҒУЛОМ билан ШОИСЛОМ ШОМУҲАММЕДОВ, наср қисмини РУСТАМ КОМИЛОВ таржима қилган. Тошкент: 1968й. 76-бет.